



# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№11 (93) 12.03.2020 йил

Жалолиддин Мангуберди



## Мақсадимиз – миллий ғурурни янада кўтариш, юксалтириш ва мустақкамлаш

Янгиланаётган Ўзбекистонимизда ҳар соҳада, хусусан, маданият, санъат, адабиётимиз ривож йўлидаги жонлиқ, интилишлар бот-бот кўзга ташланмоқда. Яқинда миллий академик драма театрида намоиш этилган “Жалолиддин Мангуберди” тарихий саҳна асари халқимиз томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Энди жаҳон миқёсида тенгсиз саналган буюқ қаҳрамонимиз ҳақида кинофильм яратиш, унинг бекиёс жасоратини тўлақонли кўрсатиб бера олиш соҳа мутахассислари зиммасидаги улкан масъулиятдир.

Тўғри, Ўзбек киносанъати тарихида эътирофга лойиқ фильмлар ҳам йўқ эмас. Аммо биз кутаётган фильм халқимизнинг буюқ ўтмиши, енгилмас ботиқларининг юксак салоҳиятини жаҳон киноиндустрияси ўлчовлари даражасида намоиш эта олиши керак.

10 март куни Ўзбекистон Маданият вазириликда етук тарихшунослар, таниқли ёзувчилар, кинотанқидчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Унда Маданият вазири Озодбек Назарбеков иштирок этди.

Дастлаб ушбу кинофильм яратилишига дахлдор тарихшунос, жалолиддиншунос олим, 41 та таржима асарлар муаллифи Бобохон Муҳаммадшариф мавзуга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

– *Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги киноасарнинг яратилиши ўз кўлами, чуқур фалсафий матнога бойлиги, қолаверса, қақшатиқ жанрларнинг ишонарли қилиб тасвирланиши зарурлиги билан жуда мураккаб жароён ҳисобланади, – деди у. – Шунинг учун ўз фильмлари билан жаҳон экранларини забт этган*

*турк киношодкорларини ҳамкорликка чорлади.*

Зеро, тасвирга олиш жароёнларида бевосита ёрдам берувчи машҳур продюсер, сценарист Меҳмед Боздағнинг имкониятлари, салоҳияти туфайли фильмнинг муваффақиятли чиқиши ва дунё киночилари эътирофига сазовор бўлишига ишончимиз комил.

Бу билан ўзимизнинг иқтидорли режиссёр ва актёрларимизни инкор этмоқчи эмасмиз. Алҳол бу соҳада ҳали ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлар кўплигини ҳам тан олишимиз керак. Ҳозир бир қанча ёш мутахассисларимиз, актёрларимиз Туркияда улардан тажриба ўрганишяпти. Очиги, бизда Жалолиддиндек оловқалб, отдан отта сакраб жанг қилувчи, керак бўлганда қиличбозликни ҳам моҳирона бажарадиган, ўта қийин ҳолатларга туриб бера оладиган ча-

йир, чағдаст актёрларимизни топиш осон бўлмайтми. Қолаверса, кинони тасвирга олиш учун зарур бўлган жуда катта павильон, жанг пайтида айтганингни бажарадиган, ўргатилган ўнлаб отлардан ҳам фойдаланиш имконияти бизда ҳозирча йўқ ҳисоби. Балки, келгусида шундай ютуқларга эришармиз ҳам...

Ўз навбатида бу фикрларга эътироз билдирган забардаст тарихчи олимларимиз ҳам бўлди. Жумладан, умрини тарихимиз, миллий қаҳрамонларимиз ҳаётини ўрганишга бағишлаган ёзувчи Жумабой Раҳимов кинони олиш жароёнларида тарих билимдонлари қатнашиши зарурлиги, акс ҳолда манфаатдорлик натижасида миллий қаҳрамонимиз қиёфаси, тарихий жароёнлар тасвирини дахлдорлик юзага келиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Давоми 2-саҳифада

Анжуман



## Бахшичилик ва дostonчиликни дунёга танитайлик

Давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятимиз, жумладан, халқимизнинг азалий қадриятларидан бири – бахшичилик ва дostonчиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорига кўра 13 март куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 22-болалар мусқас, санъат ва бахшилар мактабида “Бахшичилик ва дostonчилик санъати: муҳофаза, тадқиқот ва тарғибот масалалари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Бахшичилик санъати маркази давлат муассаса-

си ва Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда республикамизнинг етук соҳа мутахассислари, фан докторлари, профессор олимлар иштирок этишди.

Конференцияда “Бахшичилик йўналишида дарс бераётган ўқитувчилар малакасини ошириш курсларини такомиллаштириш”, “Фольклор архивлари аудио ёзувлар фонди ва ёш бахшиларга ижро маҳоратини ўргатиш”, “Ёш бахшилар маҳоратини оширишда дoston нашрларининг ўрни”, “Бахшичи-

лик санъатида таълим” масалалари, “Дostonчилик санъатида эпос, матн ва бадий ижро маҳорати”, шунингдек, бахшичиликнинг инсоний фазилатлар, ватанпарварлик туйғулари тараннумидаги ўзига хос жиҳатлар, унинг халқаро миқёсдаги эътирофи хусусидаги қизиқарли, сермазмун маърузалар тинловчилар эътиборига ҳавола этилади. Анжуманда республикамизнинг таниқли бахшилари, Термиз шаҳар маданият бўлими ходимларининг чиқишлари намоиш этилади.

С.Эшматова.

Ушбу сонда

### Саҳнада яна бир янги асар



2-саҳифада

### Қорача тоғидаги “ҳазина” га эътибор зарур!



7-саҳифада

### Ҳар бир аёл ҳурматга лойиқ

8-саҳифада

Донолар сузлайди... ! Мардлик эмас чексиз жаҳл-ҳаяжон, Ерга йиқилгани тепкилаш осон. (Фирдавсий) Ғуруримиз қарз бўлишни, нафсимиз ҳисоблашни истамайди. (Ларошфуко) Мардлар жасур бўлишади, лекин ҳамма жасурлар ҳам мард бўлаверишмайди. (Платон)



8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

### Аёлларни эъзозлаб...



Вафо ва садоқат куйчиси



## Зулфия – шеърятимиз қуёши

Мана, барчамиз соғинган баҳор ҳам эшик қоқмоқда. Шеърят ихлосмандлари айна шу ўйғониш фаслини садоқат тимсоли бўлиши Зулфияхоним таваллуд топган кун билан қутиб олади. Шоирани билмайдиган, унинг бетакрор шеърларидан завқ олмаган китобхон бўлмас керак. Унинг асарлари инсон руҳияти дунёсини тараннум этади. Ҳаётга муҳаббат билан боқиш, инсонга бўлган меҳр ва ёрга бўлган вафодорлик хислатларини ўргатади. Боғот тумани Маданият бўлими, Ахборот-кутубхона маркази, Кўзи оғизлар жамияти туман бўлини маси ва худудда жойлашган 36-мактаб билан ҳамкорликда 29 феврал куни оташнафас шоира таваллуднинг 105 йиллигига бағишлаб туман Кўзи оғизлар кутубхонасида **“Зулфия-шеърятимиз қуёши”** мавзусида адабий-бадиий тадбир ташкил қилинди.

Боғот туман кўзи оғизлар кутубхонаси мудираси Замира Отажоновна узбек шеърятининг атоқли ижодкори, вафо ва садоқат куйчиси Зулфияхоним ва унинг шеърлари ҳақида илиқ сўзлар билан кечани оғиб берди. Ахборот-кутубхона маркази ходимлари ҳамда 36-мактаб ўқувчилари томонидан айтилган шеърлар кечага янада жўшқинлик бағишлаб, бахру байтга улаиб кетди. Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжон сиймоларининг даврага кириб келиши, гўзал оқслар, туман маданият бўлими қошидаги **“Аму соҳили”** халқ ҳаваскорлик жамоаси бадиий раҳбари Абдулла Тиллаев, ҳамда Даркомжон Эшниевоаларнинг дилрабо қўшиқлари кечага баҳорий кайфияти бағишлади. Тадбирда **“Зулфия – вафо ва садоқат куйчиси”** деб номланган китоблар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

**Гулчехра Ортиқова,**  
**Боғот туман маданият бўлими мутахассиси**

Давоми. Боши 1-саҳифада

Президентимиз томонидан илгари сурилаётган 5 ташаббус асосида вилоят ҳокими ўринбосари Чори Бегимкулов топириги ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилояти бўйлаб байрам тадбирлари давом этмоқда. 2020 йил 5 март куни Термиз шаҳар ҳокимлиги томонидан **“8 март – Халқаро хотин-қизлар куни”** муносабати билан **«Гранд Алмаз»** ресторанида худуддаги барча ташкилот ва муассаса ходимлари учун концерт тадбири ва баҳорий дастурхон ташкил этилди. Кеча бошланиши олдидан Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабининг

карнай-сурнай ва доирачилар гуруҳи ўз чиқишлари билан меҳмонларни қутиб олишди. Хореография ўқувчи-қизлари эса байрам кўрகига кўрк қўшиб, меҳмонлар юзига, қалбига табассум ўйотди.

Шу кунги Жарқўрғон тумани Маданият уйда ҳам Ўзбекконцерт ДМ Сурхондарё вилоят бўлимининг **«Сен азиз ва муқаддасан аёл»** номли концерт дастури ўтказилди. Унда Термиз ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси Ж.Турсунов иштирок этиб, ўз куй-қўшиқларини туман аҳлига тақдим этди.



Маданият ва санъат

## Сурхондарё вилоят музыкали драма театрида яна бир янги асар



Ўзбекистон – буюк даҳоларга бешик бўлган маскан. Бу заминда умргузаронлик қилган олим-уламолар, жаҳонгирлар ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари билан нафақат замонаси, балки бутунги ва келгуси авлодлар учун ҳам бой маънавий мерос қолдирган. Уларнинг тафаккур маҳсули хозирги тараққиёт омил бўлган кашфиётларга асос бўляпти, илму маърифат равнақига хизмат қилляпти. Аҳдларимиз қолдирган бой маънавий хазиналардан фахрланиш, уларга муносиб авлод бўлиш ҳар бир ватандошимизнинг орузусидир. Ўз даврида катта империя барпо этган, салтанатда илм-маърифат, иктисодиёт, ҳунармандчилик, кўйингчи, жамият ҳаёти ва тараққиётида муҳим саналган соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратган бобоқалонларимиздан бири Соҳибқирон Амир Темурдир. Шу ўринда саркарданнинг шахсияти, Осиё, умуман жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрни ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак...

Амир Темур Марказий Осиёни мўғуллар исканжасидан озод этишда барча юртларвар қуларни бирлаштириб, уларни мустақиллик учун қурашга йўналтирган етакчи раҳбар, ерли халқнинг бу соҳадаги оруз-умидларининг рўёбга чиқишига улкан ҳисса қўшган саркарладир. Амир Темур ўз даврига хос турли сабабларга қўра боқиш мамлакатларга юришлар қилди ва Оврўпо давлатлари ривожланиши тезлашишига ўз ҳиссасини қўшди. Россияни Олтин Ўрда зулмидан, Оврўпонинг Туркия тажовузидан сақлаб қолди. Соҳибқирон ўз сиёсатида маданият, ободончилик, ҳунармандчилик ҳомийси бўлиб та-



нилан. Сиёсати билан маданий юксалиши ва туркий тил ривожига кенг йўл очиб, нафақат Марказий Осиёнинг маданий-маънавий, балки бутун мусулмон олами тарихида ўчмас из қолдирди ҳамда ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Амир Темур қатор Шарқ мамлакатлари, айниқса, Оврўпо билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, улар билан турли савдо-сотик, маданий-маърифий алоқаларга янада кенг йўл очди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви, эски мафкура сиқувидан қутулиши, тарихимизга тўғри муносабатда бўлиш имконини яратди. Сўнгги йилларда Амир Темур ва унинг даврини ўрганишга бағишланган қатор манбалар, китоблар нашр этилди. Сурхондарё вилоят музыкали драма театри бош режиссёри Фарҳод Болтаев томонидан саҳналаштирилган **“Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим қаламига мансуб «Адолат фасли»** спектакли ҳам Амур Темурнинг салтанатда адолат устуворлигини таъминлаш йўлидаги машваратидан бир кўриниш. Асар қисқа вақтда саҳналаштирилишига қарамай ижодий гуруҳ хизматлари ва режиссёр топила-лари таҳсинга сазовор.

Режиссёрнинг янгича ёндошуви сабаб спектакль муқаддимаси, финали ва якунида, декорацияларда ҳам катта философия маъно кўзга ташланади. Хусусан, Мироншоҳ саҳнасининг киритилиши, асардаги томошабинга маъхум бўлган вориснинг жазоланиши сабабига оидинлик киритибгина қолмай, спектаклнинг томошабинга таъсирини оширишга хизмат қилган. Амир Темурнинг Лир ва найчи билан суҳбатига ҳам катта маъно бор. Тарихдан бизга маълумки, Темурда Яратган томонидан ато этилган хислатлар бўлган. Унинг Тайбодий билан суҳбати, саҳрода туриб най нола-сини эшитиши, вазирлар ва Шиговулла най ноласи ҳақида берган саволи уларни хайратлантириши ҳам Темурнинг ўз салтанатига бўлаётган воқеаларни теран ҳис этиши, унинг илм-маърифат, маданият, касб-ҳунарни ривожлантириш, ободончилик ишлари ва адолат устуворлигини таъминлашга бўлган иштиёқининг ўзига хос кўзгусидир. Спектакль жанг машғулотларидан бошланиши ҳам Амир Темурнинг буюк империя барпо этиш йўлидаги ҳарбий салоҳиятини намоеъ этишга қаратилган. Ўз даврининг моҳир саркардаси, муҳаммал ҳарбий тактикага эга Соҳибқироннинг ҳарбий салоҳияти бутунги ривожланган мамлакатлар ҳарбий бўлими ва вужудга келишига ҳам асос бўлган. Спектакль бош қаҳрамонининг келини Хонзода би-



лан кечган суҳбати, Амир Темурнинг юксак жасорат соҳиб, адолатли ҳукмдор эканлигини кўрсатган. Унинг ато сифатида кечаётган ички изтиробларини ҳам Ф.Болтаев моҳирона ихроси орқали кўрсата олган. Саҳна асарига Абдуқодир найчининг ўлимдан сақлаб қолиниши ҳам Соҳибқирон адолати ва мусиқага ошно бўлишидан дарак беради. Амир Темурнинг сўнгги сўзлари айтаётганда, саҳнадаги тахт тепасидаги дастлаб қалқон кўринишида турган тарози ҳам адолат мезони сифатида томошабин кўз ўнгига намоеъ бўлади. Спектаклда асосий образлардан бирини гавдалантирган А.Панжвез ҳам Мироншоҳ образини маромига етказиб ижро этган. Режиссёрнинг айнан шу саҳнани киритиши ва парда ортидаги бегуноҳ қимсалар қатл этилиши, саҳнасининг иккинчи пландаги намойиши, Темурнинг ўз ўғлини ўлим жазосига ҳукм этишини оқлайди. Соҳибқироннинг ишонган одамлари эса Мироншоҳ хасталигидан фойдаланиб, минг-минглаб инсонларнинг қатл этилиши, қарвонларнинг таланиши ташкил этилади ва муносиб жазо олини устуворлигини таъминлаш йўлидаги энг улуг ҳукмдор бўлганлигини акс эттирган. Темур адолат ўрнатишда хаттоки ўғлини ҳам аямагани унинг қандай ҳукмдор бўлганини ифодалаб, бутунги томошабинни ҳар ишда адолатга ундайди...

Ф.Тойиров

## Мақсадимиз – миллий ғурурни янада кўтариш, юксалтириш ва мустақкамлаш

Шунингдек, тарихшунос ёзувчи Бахтиёр Абдуғофуров, Нурёди Тошевлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, миллий тарихнинг ҳокимий қирралигини таъкидлашди. Ва бу жараёнда ўз асарларидан фойдаланишлари мумкинлигини айтишди. Деярли уч соат давом этган кизинг баҳс-мунозарага Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг асосли мулоҳазалари оидинлик киритди:

– Мақсадимиз халқимизнинг миллий

ғурурини янада баландга кўтариш, юксалтириш ва мустақкамлаш. Аммо юқорида айтилганларнинг ҳаммасини тула-тўқис кўрсатишнинг имкони йўқ. Акс ҳолда унинг ҳужжатли фильмдан фарқи бўлмақ қилади. Биз эса нафақат халқимиз, балки хоржидликлар ҳам катта қизиқиш билан томоша қиладиган, қаҳрамонимиз қиёфасидан хайратга тушадиган бадиий фильм яратишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун бир жаҳатдан айтиб ўтмоқчиман. Ҳазирги кунда турк киножодкорлари уч ой давомида Жалолиддин

туғилиб ўсган *диёр* – *Хоразм воҳасидаги ҳаёт, у ердаги урф-одат ва қадриятларни чуқур ўрганиши. Ҳатто муомала маданияти, саломлашиши, қисқаси, ҳар қандай вазиятда бўладиган ҳолатларни ўрганиши. Бу билан бизнинг режиссёр ва актёрларимиз жараён-дан четда демоқчи эмасман. Бузун уларнинг кўпчилиги Туркияда кино олинмаган павильонда тайёргарлик кўришяпти. Тез кунларда тасвирга олиш ишлари бошланади. Лекин биз учун қимматли бўлган фикр-мулоҳазаларининг албатта инобатга олинади. Бунинг учун сиз-*

лардан миннатдорим. Ахир биз биргаликда кучмиш. Бир ёқадан бош чиқарсак, ўзбек кино-фильми яратилиши шубҳасиз...

Тадбирда, шунингдек, тарихшунос олим Хондамир Ғуломов, Незмат Полвонов, Дилором Бобожоновалар ҳам сўзга чиқиб, миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги фильм ёшларимизни мардлик, жузурлик, ватанпарварликка чорласа, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтирса, қутил-

ган мақсадга эришишимизга ишонч билдиришди.

Айниқса, Меҳмед Боздағнинг ушбу фильмни кўрган ҳар қандай инсон фарзандига Жалолиддин исмини берса, ўзбек халқининг халқаро майдондаги санъати юксак баҳоланса, унинг учун жуда катта ютуқ бўлиши ҳақидаги фикрлари барчада умид, ишонч, фахр, ғурур туйғуларини мустақкамлади.

Сайёра Рихсиева,  
“Маданият” газетаси муҳбири



Хисобот концерти

**“Боғдон гуллари”дан баҳорий тухфа**



Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жамоалар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида Жиззах вилоят маданият бошқармаси томонидан 27 февраль куни Фориш тумани маданият марказида бир неча йиллардан буён самарали фаолиятини олиб бораётган “Боғдон гуллари” фольклор этнографик халқ

ансамблининг навбатдаги ҳисобот концерти ташкил этилди. Концертда ансамбль иштирокчилари томонидан туман худудига хос қадимий удумлардан “Жели сайли” ва “Халқ ўйинлари” дастури намойиш қилинди. Унда маҳсул мосламалар орали кушларни овлаш ҳақида сўз бориб, иштирокчилар томонидан “Каклик”, “Бе-

дана”, “Булдурук”, “Йилқич” каби кушлар тўғрисида кўшиқлар, рақслар, йигит-қизлар ижросида ота-боболаримиздан бизгача етиб келган қадимий “Ланка”, “Беш тош”, “Дакан хўроз” каби халқ ўйинларидан намуналар кўрсатилди.

Ш.Дарҳонов,  
Марказ мутахассиси

Зулфияноним издошлари

1 март — Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия Исроилова таваллудининг 105 йиллиги муносабати билан Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан 28 февраль куни шахримизнинг 77-ихтисослаштирилган кўзи ожизлар мактаб-интернатида “Ўзбекининг матонатли шoirаси” мавзусида шеърият кечаси ўтказилди. Атоқли шoirанинг ўзбек адабиёти, маданияти тараққиёти йўлидаги хизматлари эътиборга олиниб, 1999 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган эди. Мана орадан 20 йилдан ортиқ вақт ўтибдики, барча вилоятларимизда Зулфияноним издошлари бу мукофотга лойиқ топилмоқда.

# Баҳор келди сени сўроқлаб...



Шеърият кечасида оташна-фас шoirанинг умр йўллари, ижод намуналари ҳақида чиройли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, ўқувчилар томонидан унинг “Ҳаёт varaқлари”, “Уни Фарҳод дер эдилар”, “Садоқат”, “Ҳижрон кунларида”, “Шалола”, “Мушоира” сингари дилбар шеърлари ўқилди. Шунингдек, Зулфиянонимнинг ўз овозлари билан ёзиб қолдирилган бир-биридан жўшқин шеърлари кечга файз бағишланди. Ушбу санага бағишлаб Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг Рельеф харfli босмаҳонасида chop этилган шoirанинг брайл ёзувидаги “Шалола” шеърини тўплами тақдими ҳам ўтказилиб, у мактаб

кутубхонасига тақдим этилди. Келгусида Зулфия номидаги Давлат мукофоти имконияти чекланган кўзи ожиз ўқувчи қизларимизга ҳам насиб этиши истагида шеърият кечасига яқун ясалди. Инсон руҳиятига ажиб ҳисларни бахш этувчи мазкур маънавий-маърифий тадбир барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Дийера Бозорова, Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси услубчиси

Ихтисослаштирилган маданият мактабида

# Санъат – эзгулик тимсоли

“Келажак бутундан бошланади” дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, ёшларимиз ҳаёти, келгусида эришадиган ютуқлари албатта улар тарбия топадиган оила ва таълим олаётган масканига боғлиқ. Шу боис, Навоий ихтисослаштирилган маданият мактабида таҳсил олаётган 500 нафар ўғил-қизлар санъатнинг барча турларида ўз маҳорат ва истеъдодларини намойиш қилиб келишмоқда. Ўтган йили мактабдан 60% битирувчи ўқувчи-ёшлар олий ўқув юртиларига ўқишга қабул қилинди. Улар маданий уйлари, мактабгача таълим муассасалари ва турли тўғарақларда ўз иш фаолиятларини давом эттириб келишмоқда.

Мухтарам Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш мақсадида мазкур ихтисослаштирилган маданият мактабида ижодий кечалар ва концертлар, кўргазмалар, ёшларнинг ўтказилиб, ёшларни санъат ва ижодга жалб этмоқда. Қолаверса, устоз-шогирд аъёнаси асосида мактабнинг истеъдодли ўқитувчилари вилоят ва қўшни худуд бўйлаб “Маҳорат дарс”ларини ўтказиб

келишмоқда. Жумладан, театр йўналиши бўйича Холик Хурсандовнинг “Ўлдин, азиз бўлдин” деб номланган спектакли вилоят ҳамда туманларда намойиш этиб келинмоқда. Ёшларимизнинг китоб мутолаасига бўлган кизиқиши ва меҳрини ошириш ниятида А.Қодирий номидаги вилоят кутубхонаси билан ҳамкорликда бобомиз Алишер Навоийнинг 579 йиллигига бағишлаб ўқувчи-ёшлар томонидан Навоийонлих кечалари ташкил этилди. Бунда ахборот кутубхона йўналишида таҳсил олаётган ўғил-қизларимиз А.Навоийнинг буюк меросидан назарлаб мулоҳазаларини маҳорат билан ижро этишди. Шунингдек, Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмасининг таъсирли ва амалий санъат фестивалида 2017, 2018, 2019 йилларда Малика Зиётова олтин ва Дилобар Рўзиева кумуш медалларни қўлга киритишди. “Энг фаол ёш ишчи касб эгаси” танлови “Дастохли рангасвир расмони (PAINTER)” номинацияси бўйича Республика босқичи натижаларига кўра, Дилобар Рўзиева 2-даражали диплом билан тақдирланган. 2020



йил 5 март куни биринчи босқич ўқувчиси Тимур Қидирбоевнинг “Илк қадам” деб номланган расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Келгусида ҳам кўргазмаларни ташкил этиш бўйича устозлар ўқувчилар билан бирга ижодий ишлар олиб боришмоқда. Ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари, коллежлар ўртасида ўтказилган “Ёш ижрочилар” кўрик-танловининг Республика босқичларида мактаб ўқувчилари юқори кўрсаткичларга сазовор бўлишди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида 2020 йил 18 февраль куни “Ёшлар маркази”нинг “Баҳор” рақс дастаси томонидан ўтказилган “Миллатлар тотувлиги – миллий рақсларда” I-анъанавий фестивалда мактаб ўқувчилари ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этишди. Ёшларимизнинг эришган ютуқлари иқтидорли ва истеъдодли ўқитувчиларимизнинг меҳнати самараси десак муболага бўлмайди. **Г.Ф.Сатторов, Навоий ихтисослаштирилган маданият мактаби директори**

Устоз ва шогирдлар мактаби

# Меҳнат қилган элда азиз



Режиссёрнинг бир-биридан мутлақо ажратиб бўлмайдиган уч қирраси мавжуд: ташкилотчилик, саҳналаштириш, педагогик. Лекин ҳамма мутахассис ҳам бир хил қобилиятга эга бўлавермайди. Кимдир қайси бир хилсат кўп ёки камлиги ҳақиқат. Нозик касблардан бири хирурглар ичида эркаклар кўп бўлгани каби режиссёрликда ҳам эркаклар илғорлик қилипти. Аммо яхши мутахассислар орасида аёл режиссёрлар ҳам борки, улар эркакларда учрамаган режиссурининг уч хилсатини ўзида жам қилиб маданият соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳоратли режиссёр, тажрибали устоз, замонавий билимларга интиладиган, изланишдан толмайдиган ташкилотчи раҳбарлардан бири Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби “Оммавий байрамлар режиссёрлиги” кафедраси мудир Исаева Барно.

Умрини, бахту камолини ушбу даргоҳдан айро тасаввур қилолмайдиган Барно Исаева Тошкент вилоятининг Охангарон туманида таваллуд топган. Ёшлигидан санъатга ошуфта бўлиб улғайган. Ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти таъомлаб устозлардан ўрганган билимларини кўп йиллардан буён ёшларга меҳр билан улашиб келмоқда. Режиссёрлик ичида педагогика билан шугулланган режиссёр учун касбини қаматиш деб тушунадиган санъаткорлар ҳам бор. Аслида эса бу шарафли касб. Топқир ва малакали педагоглар ҳам қанча кўп бўлса, жамият тараққиёти ҳам шунчалик юксалади. Ушбу шарафли касб машаққатига чидаб, сабот билан олға юраётган Барно Исаева каби устозлар қанча кўп бўлса, шунчалик яхши албатта.

2018 йил Барно Исаева билан “Наврўз” байрамини саҳналаштирувчи режиссёри сифатида ҳамкорликда ишлади. Катта майдонда ўтказилиши мўлжалланган оммавий театрлаштирилган бадиий томоша сценарийсини ёзишдан тортиб, декорациялар, либослар, музика бозорига етмагунча ором нимагини билмаган, кечқурунлари билан тер тўкиб ишлаш камёб фазилат бўлиб бораётган замонда аёл киши бўлатуриб шунақа фидойилик қилганликларини ўз кўзин билан кўриб гувоҳи бўлаётганим учун бу инсон ҳақида илиқ фикрларим кўп. Сидқидилдан қилинган меҳнат самараси ўлароқ чиройли тадбир ўтди. Республиканинг таниқли маданият ташкилотларидан ташриф буюрган зиёли меҳмонлар ҳам буни эътироф этгани бежиз эмас. Барчанинг бошини бир қилиб, бириктириб ижодий парвозга чорлаган устоздан муомала маданияти, касбга ҳурматни, новаторликни ўрганим. Ва яна ўрганишим керак бўлган хилсатлар кўп. Ўз тарихига ва аъёналарига эга бўлган Тошкент маданият оқартув техникуми шаклида анча йиллар илгари – 1937 йилдан фаолиятини бошлаган давриданок “устоз-шогирд” сулола-лари шаклланиган. Бу даргоҳда таълим олган ўқувчилар орасида етишиб чиққан кўплаб Ўзбекистон халқ артистлари ва улардан ташқари санъатнинг чин фидойилари ўзбек санъатига салмоқли ҳисса қўшиб, ханузгача хизмат қилиб келмоқда. Малакали, тажрибали ва педагогик маҳорати билан кўпчиликка ўрнак бўладиган 82 ёшли фахрий устоз Азиз Дадаевнинг эҳтисомли шогирди сифатида 40 йилдан зиёд шу даргоҳда санъат нутқи техникаси, саҳна этика-эстетикаси бўйича тажриба тўплаб, ҳормай – толмай зиё улашаётган маданият фидойиси Барно Исаева ёшларни санъат мутахассиси бўлиб етишишидаги самарали меҳнати билан нафақат коллежларда, балки кенг миқёсда тилга тушганлиги рост. Бир пайтлари сеvimли шогирд бўлган ижодкор орадан йиллар ўтиб, бутун сеvimли устоз. Шунингдек, оммавий байрам томошаларида ўзига хос услуб яратган Барно Исаева ўқувчилар билан саҳналаштирилган 30 га яқин инсценировкалар муаллифи ва режиссёри бўлиш билан бирга бир оиланинг бахтли бекаси. **Ўзбектош Қиличбек**



» Кўклам нафаси

## Янги ҳоким ишни аёлларга хурсандчилик улашишдан бошлади



Баҳор нафаси кезиб юрган шундай дилбар, кутлуг кунларда мунис оналаримиз, ҳурматли опа-сингилларимиз, сулув қизларимизнинг гўзал айёми – Халқаро хотин-қизлар куни шодиёналари ҳамон давом этмоқда.

Байрам арафасида давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида хизмат қилаётган мингдан зиёд хотин-қизлар орасидан биринчилардан бўлиб,

Каттақўрғон шаҳрига Гавҳар Алимова ҳоким вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Вилоят аёлларига байрам кайфиятини улашиш мақсадида ҳокимлик кўмағида “Дониёрбек” марросимлар марказида катта тадбир ташкил этилди. Унда зиёлилар, маърифат ва маданият, соғлиқни сақлаш ҳодимлари, шунингдек, уй бекалари, ҳаёт сўқмоқларида қийин шароитга тушиб

қолган, аммо ўз ўрнини топишга интилаётган мунис ва дилбар аёлларимиз иштирок этишди. Тадбирда қатнашган вилоят ҳокимлиги, бошқарма ва корхона раҳбарлари меҳмонларни байрам билан қизгин кутлашди ҳамда иш фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган фидоий ва жонкуяр аёлларга ҳокимликнинг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

# 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



### » Андижон вилояти

Андижон шаҳридаги “Тошкент плениум” тантаналар саройида “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни” муносабати билан вилоят байрам тадбири бўлиб ўтди.

Гўзаллик ва нафосат айёми бўлмиш хотин-қизлар байрамига вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаоллик кўрсатаётган, чекка қишлоқлардаги илгор пахтакор, пиллакор ҳамда фермер хўжалиги раҳбарлари ва ишчилари, ногирон фарзандлар тарбиялаётган, шунингдек, юртимиз шайнини жаҳон ареналарда муносиб ҳимоя қилиб, голибликни қўлга киритаётган спортчи чемпион йигит ва қизларнинг оналари таклиф этилди. Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими, сенатор Шухратбек Абдураҳмонов барча аёлларни баҳор, янгилиниш ва гўзаллик байрами билан самимий муборакбод этди.

### » Наманган вилояти

Наманган шаҳридаги “Шодиёна” мажмуасида байрам муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоров иштирок этиб, хотин-қизларни байрам билан табриклади. Кечада вилоят ижтимоий ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиб, ибратли фаолият олиб бораётган 15 нафар хотин-қизлар “Мўғтабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланишди. Шунингдек, бир гуруҳ фаолларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Комилов, Анвар Ганиев, ёш истеъдодли санъаткорлар Гулсали Абдуллаева ва болалар бадий гуруҳларининг саҳна кўринишлари иштирокчилар томонидан қизгин қарши олинди.



### » Бухоро вилояти

Худди шундай тадбир Бухоро шаҳридаги “Sahid Zarafshon” меҳмонхонасида ҳам бўлиб ўтди. Тантанали байрамга вилоятнинг иқтисодий, санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларида, жамоат ташкилотларида самарали фаолият юритаётган аёллар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ҳар соҳада илгор, ташаббускор хотин-қизлар тимсолида бутун бухоролик аёллар, онахон ва опа-сингилларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Карим Камолов самимий кутлади. Шунингдек, бир гуруҳ фаол хотин-қизлар алоҳида эътироф этилиб, халқ депутатлари вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

### » Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрининг мухташам “Диёра” базмида аёллар учун эсда қоларли байрам тадбири ўтказилди. Унда вилоят ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида самарали меҳнат қилаётган аёлларимиз, қизларимиз, шунингдек, меҳнат фахрийлари иштирок этишди. Бир гуруҳ хотин-қизлар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди. Шунингдек, 18 нафар аёлларга “Мўғтабар аёл” кўкрак нишони тантанали равишда топширилди.

Яккахон хонандалар ва бадий жамоаларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

### » Жиззах вилояти

Ер юзида сўз ва соз санъати, шоир ҳофиз, рессом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуг шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, “Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди”. Чунки, бу сиймо Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамisha шундай бўлиб қолади.

Жиззах вилоятидаги байрам тадбири ҳам ўзгача шукухда ўтди. Шодиёнада вилоят ҳокими Эргаш Салиев сўзга чиқиб, барчани табриклади ва фаол хотин-қизларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

### » Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳрида янги бунёд этилган “Инденим” савдо-сервис мажмуасида аёллар байрами кенг нишонланди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан таклиф этилган хотин-қизлар иштирок этишди. Йигилганлари Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов қизгин муборакбод этиб, эзгу тилақларини билдирди.

Қайд этилганидек, бутунги кунда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар иштироки тобора кенгайиб, турли соҳа ҳамда тармоқларда эришилаётган ютуқларда уларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортмоқда. Тадбирда ютуқларга эришган аёллар эътироф этилди.





Жонли концерт

“Муҳаббатга ошно санъатим”



4 март куни Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлинмасининг “Муҳаббатга ошно санъатим” деб номланган жонли ижродаги концерт дастури бўлиб ўтди. Унда ансамбль хонандлари Умида Абдурасулова, Муҳайё Тожиматова, Нилуфар Каримова ва Наргиза Йўлдошевлар томонидан миллий, мумтоз ва замо-

навий кўшиқлар ижро этилди. Ансамбль рақос ва рақосалари томонидан сахналаштирилган рақслар 500 дан зиёд томошабинлар дилдан ва қалбидан чуқур жой олиб, олқишларига сазовор бўлди. Концерт дастурида томошабинларга кулги улашиш мақсадида меҳмон санъаткор, сўз устаси Ғайратжон Аҳмедов иштирок этди. Ўзбекистон давлат филармони-

яси Андижон вилоят бўлинмасининг “Муҳаббатга ошно санъатим” деб номланган жонли ижродаги концерт дастури Озарбайжон халқ кўшиқларидан термалар ҳамда “Андижон полкаси” рақси билан якунланди.

**Раҳимжон Аҳмедов,**  
Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси директори

# республикамиз бўйлаб кенг нишонланди



**Фарғона вилояти**

Фарғона шаҳар Ислоом Каримов номидаги театр ва концерт санъат саройида “Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл” номи байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими Шўҳрат Ғаниев сўзга чиқиб, барча аёлларни байрам билан самимий муборакбод этди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъсис этган “Муътабар аёл” кўкрак нишони ўз соҳибаларига топширилди.

Ҳеч кимга сир эмас, аёл тенгсиз лафозат ва нафосат соҳибаси, эзгулик ва фидойилик рамзи, уйимиз файзу фариштасидир. Улар ҳар қанча эътирофу эъзозга лойиқ.

**Қашқадарё вилояти**

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Қашқадарё вилоятида ҳам қатта байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими Зоир Мирзаев сўзга чиқиб, барчани қутлаш билан бирга, аёллар фаоллигини алоҳида эътироф этди. Байрам тантанаси давомида онахонлар ва опа-сингилларга эсдалик совғалари топширилди. Куй-қўшиқ ва дилбар тароналар билан давом этган кеча рақсларга улашиб кетди.



**Навоий вилояти**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқени оширишга, уларнинг ижодий ва бизнесдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кармана туманидаги “Тинчлик” тантаналар биносида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам дастурхони ташкил этилди. Тадбирда вилоят ҳокими, сенатор Қобул Турсунов ҳам иштирок этиб, барча аёлларни баҳор, янгилиниш ва гўзаллик байрами билан қутлаб, уларга келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.

**Хоразм вилояти**

Аёллар байрами борлиқни уйғотиб, заминни яшнатувчи баҳорнинг илк қунларида нишонланиши ҳам бежизга эмас. Чунки, аёл – ҳаёт ижодкори, баҳор тирмолидир!

Аёлнинг оналик меҳри, теран ақли ва нозик таъби, унинг гўзалликка, келажакка, ҳаётга муҳаббати баҳордек бемисл, баҳордек қудратлидир!

Хоразм вилояти мусиқали драма театрида ўтказилган байрам тадбирида вилоят ҳокими Фарҳод Эрманов ҳам иштирок этиб, барча аёлларни самимий қутлади. Турли соҳаларда меҳнат қилаётган фидойи хотин-қизларга фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди. Шодиёна Урганч шаҳридаги муҳташам “Хумо” тўйхонасида давом этди.



**Қорақалпоғистон Республикаси**

Нукус шаҳридаги “Караван сарай” ресторанида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Дунёнинг гултожи ўзингсан, аёл!” номи тантанали тадбир ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Муса Ерниева иштирок этиб, аёлларни байрам билан табриклади.

Тантанали кечада бир қатор фидойи хотин-қизлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг махсус қарори билан “Ардоқли нуруний”, “Ватан фидойиси” ва “Умид учкуни” кўкрак нишонлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Фахрий ёрлиқ”лари билан тақдирланишди.

**Тошкент вилояти**

Тошкент туманидаги «Зухринисо» тантаналар мажмуасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб, вилоят ҳокимлиги томонидан тантанали маросим ўтказилди. Унда вилоят ҳокими Рустан Холматов иштирок этиб, муҳтарам аёлларимизни байрам билан самимий қутлади.

Айёмда Тошкент вилояти маданият бошқармаси томонидан тайёрланган бадиий дастур намойиш этилди. Эл суйган хонандалар, сўз усталари, бадиий жамоаларнинг чиқишлари барчага хуш кайфият улашди. Фан, таълим, соғлиқни сақлаш, техника, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда фаол 24 нафар аёлга “Муътабар аёл” кўкрак нишони топширилди.





«Бойчечак»

**Ижодий жамоанинг истеъдодли ёшлари**

Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган беш муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб қилиш, улар истеъдодини юзга чиқариш ва бўш вақтларнинг мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида маданият марказлари қошида «Бойчечак» болалар ижодий жамоалари ташкил этилган эди. Уzun тумандаги марказий маданият маркази қошида ҳам «Бойчечак» болалар ижодий жамоаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 15 нафар 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар жалб қилинган. Бунда бадиий раҳбар М.Хайдаров уларга санъат сирларини пухта ўргатиб келмоқда.



28 февраль кунини туман маданият марказида ушбу жамоанинг навбатдаги концерт дастури намойиш этилди. Тумандаги мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари тақдир қилинган концерт дастурида «Бойчечак» болалар ижодий жамоаси иштирокчиларининг бир-бирдан қизиқ рақслари, миллий чолғу асбобларида куй ва қўшиқлари томошабинларга ҳавола этилди. Йил давомида ушбу жамоанинг концерт дастуруларини умумтаълим мактаблари ва истироҳат боғларида ўтказиш режалаштирилган.

**С.Исмаилов,**  
Сурхондарё вилояти Узун тумани маданият бўлими мудири

«Мақом»



**Жонли ижро намуналари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси доирасида ёшларни мусиқа ва санъатнинг барча турларига қизиқтириш, улар истеъдодини юзга чиқариш ҳам назарда тутилган. Унинг ижроси доирасида вилоят маданият бошқармаси қошида ташкил этилган Жиззах намунавий мақом ансамбли бадиий раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби Боймат Ҳасанов шаҳардаги 29-мехрибонлик уйда миллий мақом санъати тўғрисида ёшларга тушунчалар берди. Шунингдек, жамоа ижросида мақом намуналаридан жонли ижрода концерт дастури намойиш этилди.

«Беш ташаббус»

**Китоб – кўнгил гавҳари**



Юртимизда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, ёш авлодни мутолаага ундаш каби вазифалар олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарбиёт қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ҳам бу вазифалар кенг қамровда ўз ифодасини топган.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида 9-умумтаълим мактаб ўқувчиларига «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси илмий ходимлари томонидан «Китоб – кўнгил гавҳари» мавзусида маъруза ўқилди. Тадбир давомида ўқувчилар китоб мутолааси туфайли орттирган билим ва таассуротларини ўртоқлашди, ёд олган шеърларини ифодали ўқиб берди.

Очiq мулоқот ва савол-жавоб тарзида ўтган кеча барчада катта таассурот қолдириди ва китобга бўлган иштиёқни янада оширишга хизмат қилди.

**Дилфуза Тошпўлатова,** «Хоразм давлат хонлари тарихи» бўлими мудири

«Адабиёт ва маданият»

**Тимсоллар ўлмайд**



28 февраль кунини «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси, Урганч шаҳар «Баркамол авлод» болалар мактаби, 93-мактаб-интернати ҳамда 9-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллудининг 105 йиллиги муносабати билан «Мустақил Ўзбекистон: Озод ва обод ватан» мавзусида адабий-бадиий, мусиқий тадбир ўтказилди.

Зулфиянинг ҳаёт ва ижод йўли жасоратга тўладир. Унинг овози, қалби, аёллик назокати, мўътабар инсон орзусини қуйлаган шеърлари фақат Ўзбекистондагина эмас, бутун Осиёда, жаҳонда кезиб юрибди. Мамлакатимиз аҳли ҳар баҳорни шоира Зулфия таваллуд топган кунни нишонлаш билан кутиб олишни анъанага айлантирган. Шоира тўпламларини юртимиздаги кўплаб оилавий кутубхоналар жавон-



ларида кўриш мумкин. «Хали ер юзиде бугунгидан ҳам яхшироқ инсонлар – руҳи бой одамлар яшайди. Агар ўша кишилар ҳам меннинг бирор сатримни эсга олсалар, ўша сатр улар учун керакли бўлса, қалбининг бўш бир нуқтасини тўлдирса... қаламимга шу умид куч беради», – деб ёзган эди шоира эсдаликлариде.

Кечада 93-мактаб интернати ва 9-умумтаълим мактаб ўқувчилари томонидан айтилган шеър, қўшиқлар ҳамда саҳна кўринишларини барча қизиқиш билан томоша қилишди.

Тадбир сўнгиде фаол ўқувчиларга музей-қўриқхона маъмурияти томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

Урганч шаҳар «Баркамол авлод» болалар ижод мактаби раҳбари Муножот Рўзметова 93-мактаб-интернати ва 9-умумтаълим мактаби ходимлари номидан музей маъмурияти ва илмий ходимларига ўз ташаккурларини билдирди.

**Зайнаб Бекчонов,**  
**Махлм Жуманиёва,**  
«Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси ходимлари

«Каштачилик»



**Табиатга меҳр-муҳаббат рамзи**

Ўзбекистон халқ санъатида каштадан тикилган буюмлар алоҳида ўрин тутайди. Каштачилик халқ орасида чуқур илди элган. У безак санъатининг бир тури бўлиб, матога, картонга ва чармага нақшлар чизиб олиниб, тикишда игна, илмоқли игна ва бизилардан фойдаланилади. Ҳар хил рангли ипак ва иплардан асосан аёлларимиз томонидан босма услубда қўл меҳнатиде тикилади. Каштачиликда ҳар бир халқнинг ўзига хос мактаб ва анъаналари бор. Туширилган ҳар битта нақш ўз рамзий маъносига эга бўлиб, масалан, тумор ва қалампиргул назардан сақлаш, кунфқалит эса икки ёш қўша қарисин, бахтли-саодатли бўлсин деган мақсадни кўзлаган, ўсимлик гуллари нақшлари она табиатга бўлган меҳр-муҳаббат рамзини билдирган. Бундай ноёб санъат асарла-

ри Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг Санъат бўлими халқ амалий санъати кўргазмасидан жой олган.

Куйида XIX аср охири XX аср бошлариде Шароф Рашидов тумани Навоий жамоа хўжалигининг Кўшқўприк маҳалласиде яшаб ўтган каштадўз Бувиҳол она Абдуллаева каштачилик мактабига хос 9 ойлик палак ҳақида маълумот берамиз.

9 ойлик палак – Жиззах каштачилик мактаби намунаси бўлиб, матоси сариқ лонкадан. Атрофига икки қатор йўлсимон, ўртасига кунгабоқар ҳамда ўсимлик новдаси нақшлари қора ипакда тикилган. Пўртта бурчагига тумор ва қалампиргули нақшлари солиниб, ўртасига тўққиз ой турли рангдаги ипаклардан босма услубда тикилган.

Ипак табиий толардан олинган бўлиб, ёнғоқ, анор ва пилёз пўстлогидан ранг чиқариб бўйланган. Бу хазина ипаклар деб аталади, яъни асрлар мобайнида ўз туси ва жилвасини йўқотмайди.

Тарихдан маълумки, ўтмишимиздан ҳар бир хонадон қизлари келинлик сепига мана шундай палак ва жойнамозларни тикиб, уларини безатишган, бўлгуси қайнона ва қайноталарига совға тариқасиде беришган.

Янги тушган келинчакнинг чевар ва орасатлигини тиккан кашталаридан билишган.

Шундай маълумотларни ўзиде сақлаётган музейларимиз ёшларни маданий, тарихий меросларимиз, умумбашарий қадриятларимиз билан таништириш ҳамда уларда ватанга садоқат руҳини юксалтиришда муҳим ўрин тутайди.

«Ноёб экспонатлар»

**Жиззах воҳасининг кўхна либослари**

Бу воҳа қадимдан тарихга, кўхна маданиятга бешик ўлка ҳисобланади. Худуд аҳлининг ҳаёт тарзи, турмуши ҳам шундай қадим кечмишларга эга. Воҳанинг ўзига хос тўй-маросимлари, сайиллари, қадимий ўлан, лапар ва халқ оғзаки ижоди намуналари бугун ҳам эътирофда.

Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейидан ушбу урф-одат ва анъаналарга хос миллий либослар, мусиқа асбоблари, заргарлик ва уй-рўзғор буюмлари ҳамда бошқа ноёб экспонатлар жой олган. Бу масканга ташриф буюрган ёшларнинг миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга бўлган қизиқиши янада ортади. Музейда сақланиб келётган жалақлар, паранжи, чопон ва каштачилик намуналари бошқа худудларникига ўхшамасгина ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мазкур либослар Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманидаги аёллар томонидан ёпинчқик сифатида фойдаланилган.

Куйида аёллар ва келинчаклар жалақбошичи тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

**Жалақбоши** – эркаклар кўзидан беркиниш ва ибод-ҳаёни сақлаш мақсадида бошга ёпинадиган ёпинчқик. У атлас, адрас, товар ва бахмал матоларидан тикилган. Битта жалақбоши тикиш учун баъзан бир не-



ча ойлар кетган. Безатишга эса 500 та садаф тутмалар қадалган. Худди ёрқин юлдузлар осмонига айлантирилгандек. Ёқалари ироқи кашталар билан безатилган, улар гўзал келинчаклар ҳуснига хусн қўшиб, чиройини минг чандон ошириб юборган. Жалақдаги ҳар бир безак ўзига хос маънони англатиб, уларда яхшилик, эзгулик, гўзаллик ва нафосат яширинган.

Хулоса қилиб айтганда, музейда сақланаётган миллий либосларимизни келажак авлодларга етказиш ёшлар маънавий оламини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

**М.Т.Дўлueva,** Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходими



» Беллашув

“Зукко қизлар”



Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ташаббуси билан Урганч шаҳар “Тулшан” маданият маркази ҳамда Хива шаҳар 121-кўзи ожиз болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамкорликда 5 март куни Ўзбекистон халқ шоираси, Меҳнат қаҳрамони, таржумон Зулфия Исроилова (1915-1996) таваллуд кунининг 105 йиллиги, шунингдек, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб “Зукко қизлар” беллашуви бўлиб ўтди. Уни вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори Зарифбой Собиров очиб берди. Беллашувда олти нафар қиз иштирок этиб, тўртта

шарт бўйича мусобақалашдилар. Тадбирда иқтидорли қизлар тезкор саволларга жавоб бериб, Зулфияхоним шёърлари бўйича баҳру байт, сахна кўринишлари, куй-қўшиқлари билан қатнашишди. Фахрли 1-ўрин Гулмира Рўзметова (9-синф), 2-ўрин Райхона Рустамова (10-синф), 3-ўрин Озода Собирова (9-синф)ларга насиб этди. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлимининг ёш китобхон қизлари эса баҳорий шёър ва рақслари билан тадбир файз улаштишди. Тадбирда “Тулшан” маданият марказининг бир гуруҳ санъаткорлари аёлларни мадҳ этувчи қўшиқлардан ижро этишди.

Шунингдек, Вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан “Яна элимизда муқаддас айём” мавзусида китоб кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кеча сўнггида Ўзбекистон Республикаси Ешлар иттифоқи Хоразм вилоят бўлими, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамяти вилоят бўлимлари беллашув совриндорларини ва иштирокчиларини эсдалик совғалар билан тақдирлашди. Ўтказилган тадбир томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ф.Саидназарова, Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси услубчиси

» Муносабат

# Қорача тоғидаги “хазина”га эътибор зарур!

Самарқанд вилояти Пайарик туманининг Алам-ли қишлоғи Нурота тоғ тизмасининг Қароқчитоғ жанубий ён-бағридан оқиб тушувчи йирик сой дараларидан бирида жойлашган. Ушбу ҳудудда kun.uz сайти ходимлари берган маълумотларда келтирилган (<https://kun.uz/news/2020/02/16/qoracha-togidagi-xazina-jimjilik-ortidan-uning-taqdiri-xavf-ostida-qolmoqda> Анавар Мустафқулов) инсоният тарихий тараққиётининг тош давридан бошлаб ундан кейинги босқичларига оид археологик ёдгорликлар мавжуд. Бироқ сайт мухбирлари айтганидек, улар олимлар эътиборидан четда қолиб кетгани йўқ. Хусусан, 2019 йилнинг ёш ойларида Аламли қишлоғида ишовчи маҳаллий фуқаро Нурпўлат Тўқбоев берган маълумотлар асосида Миллий археология маркази ходимлари томонидан олиб борилган дала археологик қидирув тадқиқотлари натижасида Аламлисой ва унинг тева-рак-атрофидаги сой даралардан кўплаб қоятош суратлари топиб ўрғанилган ва рўйхатга олинган. Шунингдек, 2019 йилнинг декабрь ойи бошида Нурпўлат Тўқбоев бизга 2 та тош олиб келди. Улар соҳа мутахассиси СамДУ археология кафедраси мудири Н.У.Холматов томонидан ўрғанилиб, топилмалар инсоният тарихий тараққиётига – тош даври – мезолит, неолит даври жамоаларига тегишли экани тахмин этилиб, жойида бориб ўрғанишга қарор қилинди. Тезкорлик билан Н.У.Холматов бошчилигида Миллий археология маркази илмий ходими А.Холматов ва СамДУ археология кафедраси магистранти Й.Исаевлар иштирокида Аламли қишлоғига кичик илмий экспедиция уюштирилди. Бу жой кўздан кечирилганда тош қуроллар топилган терраса ҳақиқатан жуда характерли бўлиб, унинг ёнида қадимий йирик булоқ мавжудлиги ҳам бу ер қадимги одамлар яшاشи учун муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Шунингдек, декабрь ойининг иккинчи ярмида яна Н.У.Холматов бошчилигида Ўзбекистон телеканали Самарқанд вилояти мухбири Исматилла Дўстмуродов ҳамда Самарқанд вилояти Пайарик тумани Маданий бошқармаси бошлиғи Фахриддин акалар билан бирга бу қадимий топилма макони ва унинг атрофидаги бошқа археологик ёдгорликлар (қоятош расмлари) тўғрисида кўрсатув тайёрлаш учун борилди. Аммо тоғли ҳудуддаги туманли ноқулай об-ҳавоси туфайли тасвирга олишнинг имкони бўлмади. Шунга қарамай ушбу жой қайта кўздан кечирилганда яна иккита мана шундай тош қурол топилди.

Шу билан бирга, экспедиция аъзолари мазкур ёдгорликларни сақлаш ва бу тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Пайарик тумани ҳокимияти вакиллари ҳамда 49-умумтаъ-

лим мактаби жамоаси ва ўқувчилари билан учрашув уюштириб, уларга бу ёдгорликларнинг аҳамияти ҳақида тушунтириб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Бундан ташқари, ушбу топилма жой макони ва археологик ашёларга қизиқувчилар ҳам кўпаймоқда. Жумладан, “Ислому цивилизацияси маркази” ходими Фирдавс Ҳалимов бу археологик ашёлар билан қизиқиб, уларни марказда ташкил этилаётган музейга беришни таклиф қилди ва топилмалар Миллий археология маркази ходимлари А.Раҳимқулов ва А.Холматовлар билан биргаликда бориб кўрилди.

Мазкур илмий экспедиция ҳудудни ва бу ердаги археологик ёдгорликларнинг дастлабки тадқиқоти сифатида амалга оширилган бўлса, уларни қўшимча ўрганиш эса археологларнинг жорий йилдаги тадқиқот режасига киритилган. Тўғри, бундай археологик ёдгорликларни илмий ўрганиш еки улар тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш олимлар зиммасидаги вазифа, шу билан бирга, уларни асраб-авайлашга барча бирдек маъсул. Ҳозирги кунда Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш департаменти Нурота тоғ тизмасининг Қароқчитоғ жанубий ён-бағридаги археология объектларида янги аниқланган топилмалар тўғрисида маълумотлар тўплаб, уларни маданий мерос объектлари рўйхатига киритишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига кўра, археология ёдгорликларни топилган пайтдан эътиборан моддий маданий мерос объектлари жумласига киритилади.

Тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қийматга эга янги аниқланган моддий маданий мерос объектлари Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилиши тўғрисидаги масала ҳал қилинганга қадар ушбу Қонун талабларига мувофиқ муҳофаза қилиниши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 2020 йилда Нурота тоғ тизмасида қоятош суратлари, Ўрта Зарафшон воҳаси ҳудудида археология қидирув ишларини давом эттириш кўзда тутилган.



А.ЯРКУЛОВ, Маданий мерос департаменти археология тадқиқотларини назорат қилиш ва археология ашёлари давлат каталогини юритиш бўлими бошлиғи, А. ХОЛМАТОВ, Археология миллий маркази илмий ходими

» Санъатга баҳшида умр



## Қўшиқлари қалбларда қолди

Хоразм замини азал-азалдан, Жаҳонга машҳурдир куйу ғазалдан. Наволари қолмас ҳеч ҳам назардан, Санъатини жаҳонга таратган элим, Дунёни ўзига қаратган элим.

Ўзбек номини, Ўзбек халқини дунёга танитган, ўз овози, бетакрор сози билан ёрқин из қолдирган қанчадан-қанча буюк санъаткорлар Хоразм заминидан етишиб чиққан. Ана шундай ҳофизларимиздан бири ширали овоз соҳиби, мумтоз қўшиқларимизнинг моҳир ижрочиси марҳум Курбонбой Аҳмедовдир.

Курбонбой ога 1942 йил 23 январь куни Урганч туманидаги Бекобод қишлоғида таваллуд топди. 1959 йил Қоромон қишлоғидаги “Веруний” номли ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, шаҳардаги маданият уйи ҳаваскорлик тўғрисида фаол қатнашиб юрган кезлари Тошкентдан ташриф буюрган санъат арбоблари (Умаров) нинг назарига тушади. Хонанданинг ноёб истеъдодини сезган устозлар уни Тошкент маданий оқартув техникумига ўқишга таклиф қилишади. 1960 йилда дўсти ва устози хонанда Ислому Божожонов билан бирга ўқишга қиради. Тошкент шаҳрида ўтказилган қатор тадбирларда, тўй-ҳашамларда ўз санъатини кўрсатиб, мухлислар олқишига сазовор бўлади. 1964 йил Урганчдаги М.Харратов номидаги мусиқа билим юртининг “Аънавий ижро” бўлимида ўқишни давом эттиради. У ерни тамомлағач Урганч туман маданият бўлимига ишга кириб, методист, ансамблининг бадий раҳбари, маданият уйи директори лавозимларида фаолият кўрсатади. 1979 йилда вилоят ва туман раҳбарлари таклифига кўра, тумандаги Чақкашоллик қишлоғидаги “Навбахор” ашула ва рақс халқ ансамблида хонанда сифатида нафақат вилоят, балки республика миқёсида санъатсевар халқимизнинг меҳрини қозонади. Устоз фаолияти давомида Европа мамлакатларидан Польша, МДҲ давлатларидан Арманистоннинг Ереван шаҳарларида Хоразм санъати довуғини дунёга танитади.

1992 – 1994 йилларда Бекобод қишлоғида “Сайқал” ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилди.

1998 – 2002 йилларда тумандаги “Навбахор” ашула ва рақс ансамблида бадий раҳбар бўлиб, мухлислар меҳрини қозонди. Устоз Хоразм классик қўшиқларини ижро этиш билан бирга ҳофиз П.Мўмин сўзи билан “Эй муҳаббат”, Сабрий сўзи билан “Қамон экан-ку”, Х.Яҳё қаламига мансуб “Муҳаббат” ашулалари орқали мухлислар қалбидан жой олган.

Устознинг айни пайтда бир қатор шоғирдлари, жумладан, Оғабой Курбонов, Рустам Аҳмедов, Оғабой Худойберганов, Одилбек Худойберганов, Фарход Матқаримов, Қутлимурод Жабборов, Наримон Искандаров, Султонбой Султонов, Илхом Худойберганов, Азим Вайсовлар вилоятимиз маданият масканлари тадбирлари ва халқимизнинг шодиёна кунларида ўз санъатларини намойиш этиб келишмоқда.

Жойиб устоз, камтарин инсон мухлислари ва шоғирдлари қалбида абдий ашайди.

Қутлимурод Жабборов, маданият ходими

» Премьера

## “Танҳо юлдуз”

Самарқанд вилоят мусикали драма театрида 105-мавсум илчи режасига кўра галдаги спектакль – “Танҳо юлдуз” комедиясининг премьераси намойиш этилди. Нурилло Аббосхон қаламига мансуб “Танҳо юлдуз” комедиясини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Валихон Умаров сахналаштирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Раҳимов, Меҳри Ҳақимова, театрининг истеъдодли актрисаларидан Фароғат Жўраева, Сарвиноз Сайтова ва Гулистон Жабборовалар мазкур спектаклда ўзига монанд образларни яратишди.

Актёрлар талқин этган асар персонажлари фарзандлари ва жамоатчилик эътиборидан четда қолган, танҳолик изтиробига маҳкум бўлишган. Томошабин асардаги ибратли воқеалар, енгил юмроқ ва романтик кайфиятни тез ҳазм қилади ва ўзига тегишли хулоса чиқаради.

Спектаклда “Бевалар мафйаси” – уч нафар курсдош, сирдош дўгонанинг кўнгил кечинмалари, дардлари ва ҳасратлари томошабини гоҳ қулдиради, гоҳ чуқур ўйга чўмдиради...

Саҳна асарига оддий ҳаётли ҳақиқат, инсон қайси ёшда бўлмасин эътиборга, севиш ва севилишга лойиқ экани актёрларнинг чироили, маҳоратли ижролари орқали ёритиб берилди.





Самарқанд вилоят мусикали драма театрида

### “Театршуносман” лойиҳаси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси бўйича имплементация стратегиясини жорий этиш ҳамда ёшларнинг театр санъатига бўлган қизиқишларини ошириш юзасидан 25 февраль кунин Самарқанд вилоят мусикали драма театрида шахар 3-умумтаълим мактабининг 25 нафар ўқувчилари иштирокида “Театршуносман” лойиҳаси ўтказилди. Очiq дарс тарзида ташкиллаштирил-

ган тадбирда театрнинг ёш актёрларидан бири Абдулазиз Тоштемиров ўқувчиларга театр тарихи, театр музейи ва актёрлар фаолияти ҳақида тушунчалар берди.

Театрга ташриф буюрган ёшлар саҳналаштирилаётган “Танҳо юлдуз” комедия спектаклининг репетиция жараёнлари билан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун истеъдодли актрисалар – Сарвиноз Саи-

това ва Фароғат Жўраевалар билан суҳбат қуришди.

Беш ташаббус доирасида Самарқанд вилоят мусикали драма театри ва вилоятдаги таълим муассасалари ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг мунтазам йўлга қўйилгани натижасида вилоятимиздаги минглаб ёшлар “Театр нима?” деган саволга мамнуният билан “маърифат ўқоқларидан бири” дея жавоб беришади.

Беш ташаббус амалда

## Театр – ёшлар ҳузурида



1 март кунин Сурхондарё вилояти мусикали драма театрида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “Ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 ташаббус” ижроси доирасида Термиз шаҳридаги уюшмаган аҳолини ва ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

А.Темур, А.Навоий, ат-Термизий, Алпомиш ва Барчиной каби образлар ва театр раҳбари иштирокида аҳоли ўртасида ижодий учрашувлар ташкил этилди. Уларда спектакллардан парчалар, монологлар, ғазаллар ижро қилинди. Театр жамоаси, шунингдек, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанаётган беморлар ҳолидан ҳам хабар олишиб, улар билан самимий суҳбат қуришди.

Спектакль

## “Баҳодир”



4 март кунин Жиззах вилоят мусикали драма театри ижодкорлари Зафаробод туманидаги маданият саройида фаол ўқувчилар ва устоз-мураббийларга Сардор Ҳамроев қаламига мансуб “Баҳодир” спектаклини намойиш этишди. Мазкур саҳна асарига ватанпарварлик, инсонийлик, меҳроқибат гоёлари илгари сурилган. Спектакль барчага бирдек манзур бўлди ва томошабинлар олқошига сазовор бўлди.

Миржалол Шайзоқов

Баҳор яна қайтади...

Аёл – ҳаёт мунавварлиги, борлиқ нурафшонлиги, оила бахти, миллат келажаги тарбиячиси! У орзуларга қанот бағишловчи, барча эзгу мақсадларга йўловчи буюк кучдир. Меҳр-муҳаббат, ҳурмат, эъзоз ва юксак эътирофларга сазовор эродир. Унинг ўрни оиласида. Барча ўзбек халқи аёлларига баҳорий байрамлар муборак бўлсин...



## Ҳар бир аёл ҳурматга лойиқ

7 март кунин Маданият вазирилик томонидан “8 март – Халқаро хотин-қизлар кунин” муносабати билан Тошкент вилояти Зангиота тумани 21-аёллар умумий тартибдаги колониясида байрам тадбири ташкил этилди. Қўзланган мақсад – ўз жазо умдатини ўтаётган маҳкума аёлларимиз қалбига байрамона завқ улашиш, эртанги кунга умид уйғотиш, келгуси ҳаётларини эзгу амаллар билан давом эттиришига ҳисса қўшиш эди.

Аёлларни тадбирлаш учун Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳам ташриф буюрди:

– Мени Президентимизнинг ўзлари сизларни тадбирлаш учун юбордилар. Албатта ҳар бир аёл, аввало, Она, сиз ҳаммисиз эъзозга лойиқсиз – деди О. Назарбеков. – Тўғри, ҳаёт фақатгина қувонч шодликлардан иборат эмас. Унда қийинчиликлар, ғам-ташвишларга ҳам дуч келиб турамиз. Гоҳ энгамиз, гоҳида энгиламмиз. Аммо қоронғилик ортида ҳаммисиз ёруғлик бўлади. Яъни баҳор яна қайтади... Барчангизни чин қалбдан байрамингиз билан қутлайман.

Шунингдек, Маданият вазири ҳар байрамда имкон қадар уларни хушнуд этиш ниятида эканликларини, қай бир санъаткор билан учрашиш, қайси спектаклни томоша қилиш истаклари бўлса, мутасаддилар билан келишган ҳолда хизматларига доимо тайёрлигини билдирганида аёлларнинг миннатдорчилик олқишлари янгради.

Тадбир давомида Ўзбек миллий акаде-



мик драма театрининг маҳоратли актёрлари томонидан “Қирмизи олма” спектакли намойиш этилди.

Комедия жанрида саҳналаштирилган ушбу спектаклда ҳалоллик ва поклик каби юксак инсоний фазилатлар кўрсатиб берилди. Актёр ва актрисалар ҳаво совуқлигига қарамай образлари учун маҳсус тикилган юпун кийимларда рол ижро этиб, ўз соҳасининг фидойий эканликларини яна бир қарра исботлашди.

– Уларнинг мароқ билан бизни томоша қилаётганини кўриб жудаям ҳаяжонландим – дейди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса Муяссар Бердиқулова. – Улар бизни бир қулиб, бир кўз ёш билан кузатишди. Демак, уларга ҳалоллик хислатини синдиришга оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшдик деб ўйлайман.

Театр томошалари концерт дастурига улашиб кетди. Рақс ва кўшиқлар гулдастаси аёллар қалбига шодлик улашди. Улар нигоҳидаги бахтиёрлик ташкилот-

чиларни ҳам қувонтирди.

Маҳкумалар орасида ҳали жуда ёш, аммо оғир ҳаёт синовларига эрта дуч келган Мафтунанинг ички кечинмалари, келажақ мақсадлари билан ўртоқлашар эканмиш, у хатоларидан олган хулосалари ҳақида гапирди:

– Инсон учун энг олий неъмат озодлик эканини шу ерга келиб англадим. Ёшлиқ қилдим. Энди эса умримнинг баҳорини панжара ортида ўтказяпман. Маҳкумликдан озод этилгач, албатта ўз йўлимини топиб, ҳалол яшашга ваъда берман. Тенгдошларимга айтар сўзим бор, аввало, ота-онангиз, оилангиз ва Ватанингиз қадрига етинг. Боши берк бўчаларга кириб қолшдан сақлангиз. Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Мафтуна ўрта мактабни тугатгани учун ҳибсхонанинг ўзида мактаб дарсликлари асосида таълим олмақда. У авф этилгач ўз келажагини илм билан боғламоқчи.

Муаттархон Тўйчиева

**МАДАНИЯТ** ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, «Dildosh media» МЧЖ

**Бош муҳаррир** Дилбаҳор Худойбердиева

**Таҳририят манзили:** 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунин чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Содикова

Адади - 8733 Бунюртга - Г - 327

Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 21.30

Топширилди - 21.30

1 2 3 4 5 6